ДЕВОН ТУЗИШ АНЪАНАСИНИНГ ШАКЛЛАНИШИДА АЛИШЕР НАВОИЙ ИЖОДИНИНГ ЎРНИ

Б.Жалилов

В статье освещена традиция составления диванов в восточной литературе и роль Алишера Навои в формировании этих традиций.

Ttraditions of compiling of devans in the Oriental literature and Alisher Navoi's role in the formation of these traditions are discussed in this article.

Истиқлол қадриятларимизни пухта ўрганиш, маданиятимиз, адабиётимиз тарихидаги бой ва илғор анъаналарни чуқур таҳлил қилиш, уларни кейинги авлодга тўла ва мукаммал етказиш орқали уларда ўзликни англаш, чуқур ва теран анъаналарга бой юрт фарзанди эканидан ғурур ва ифтихор туйғуларини тарбиялаш вазифасини қўймоқда.

Ўзбек мумтоз адабиёти тарихида ўрганилиши зарур масалалар кўплаб учрайди. Ана шундай масалалардан бири *девон* тушунчасини англаш ва уни амалда тўғри қўллашдир.

Мумтоз адабиётда, мумтоз адабиёт таҳлилига бағишланган илмий адабиётларда девон атамаси учрайди. Девон деганда, кўпчилик у ёки бу шоирнинг шеърлар тўпламини тушунади. Ҳолбуки, ҳар қандай шеърлар тўплами девон бўла олмайди. Шарқ адабиётида девон тузишнинг анъанавий шартлари мавжудки, ана шу шартлар асосида тузилган тўпламгина девон ҳисобланади. Бу шартларга жавоб бермайдиган шеърий тўпламлар баёз, куллиёт номлари билан юритилади.

Илмий адабиётларда девон ҳақида мукаммал маълумотларнинг йўқлиги бугунги ноширлар ишида турли тушунмовчиликларни келтириб чиқармоқда. Ёки девон ҳақида тўла маълумотга эга бўлмаган шоирлар арузда ёзилган шеърларини девон номи билан чиқаришга ҳаракат этмоқдалар.

Девон ҳақидаги адабиётшуносликка оид манбалардаги назарий маълумотлар билан танишайлик. Л.И.Тимофеев ва Н.Венгровлар томонидан нашр этилган адабиётшунослик луғатида девон шундай тушунтирилган: “Диван (тюркск.) – обычное название на Востоке сборника стихотворений одного или нескольких поэтов, в котором стихи по средневековым правилам располагаются в определённом порядке, в зависимости от их стихотворной формы (касыды, газели, рубаи) или в алфавитном порядке рифмуемых слов, если это сборник однорифменных стихов, обычных в восточной поэзии прошлого» [1.44]. Бу таърифда девон “бир ёки бир неча шоирлар шеърлари тўплами” ҳамда “девон” сўзини туркий сўз дейилгани билан келишиб бўлмайди. Бундан ташқари, бу маълумотлар девон ҳақидаги тушунчаларнинг бир қисми холос.

Л.И.Тимофеев ва С.В.Тураевлар томонидан тузилган луғатда девон ҳақидаги мақола М.Ҳамраев томонидан ёзилган бўлиб, унда юқоридагига нисбатан бирмунча кенгроқ маълумот берилган: “Диван – сборник (обычно рукописный) стихотворений одного или нескольких поэтов, в классической тюркоязычной поэзии. Стихотворения расположены в определенной последовательности или по жанрам, или же в алфавитном порядке рифмующихся слов от алифа до яй» [2. 67-68]. Бу таърифда ҳам девон “бир ёки бир неча шоирлар шеърлар тўплами” деган ғализ фикр такрорланмоқда. Шунингдек, девон “туркий тилдаги классик поэзияга хос” деган фикр билан ҳам келишиб бўлмайди, девон умуман Шарқ адабиётига хос ҳодисадир.

“Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да девон ҳақида қуйидаги фикрларни ўқиймиз: “Девон (ф.т.) – шоирнинг радиф ва қофияларига риоя этган ҳолда алифбе сираси билан тартиб этилган тўлиқ шеърлар тўплами” [3.218]. Девон ҳақидаги бу маълумотлар мукаммал эмаслигидан ташқари, сўзнинг форс-тожик тилидан олинган дейилиши ҳам тўғри эмас.

Янги нашрлардан бўлган “Адабиётшунослик луғати”да девонга бирмунча кенгроқ таъриф берилган: “Девон (ар. – ёзиш, рўйхатга олиш, тўплам) – Шарқ мумтоз адабиётидаги шеърий тўпламларнинг асосий тури. Девонга шоирларнинг ўзлари ёки бошқа шахслар (котиблар, шоирлар, мухлислар) томонидан тартиб берилган. Шарқ адабиётида девон тартиб бериш анъанаси шаклланган бўлиб, бу анъанага қатъий амал қилинган. Девонга киритилган шеърлар, бир томондан, жанрига кўра, иккинчи томондан эса алифбе (бу талаб, асосан, ғазалларни жойлаштиришга қўйилади) тартибига кўра жойлаштирилади. Девонлар, асосан, ғазал жанри билан, баъзан эса қасида билан бошланади. Девон саналиш учун унинг таркибига мумтоз лирикага хос барча жанрлардаги шеърларнинг кириши шарт эмас, адабиётимизда фақат ғазаллардан тартибланган девонлар ҳам мавжуд. Ғазаллар девондан қофияланувчи мисраларининг қайси ҳарф билан тугаётганига қараб ўрин эгаллайди” [4.88]. Кўринадики, бу маълумотлар юқоридагиларга қараганда кенгроқ бўлиб, девон сўзининг араб тилидан олингани ҳам тўғри берилган.

Дарҳақиқат, “девон” сўзи араб тилидан олинга-

ни араб тилига оид луғатларда [5.351; 6.341] қайд этилган. Шунингдек, “девон” сўзининг шеърий тўпламдан ташқари *“маҳкама”, “вазирлар маҳкамаси жойлашган бино”* каби маънолари ҳам мавжуд. Кўпчилик адабиётшунослар девон атамасини куллиёт атамаси билан синоним сифатида қўллайдиларки, бу билан ҳам келишиб бўлмайди [7.30].

Ўзбек мумтоз адабиёти тарихида энг мукаммал девон сифатида Навоийнинг “Хазойин ул- маоний”, Огаҳийнинг “Таъвиз ул-ошиқин” девонлари тан олинган. Навоий девони мисолида девон тузиш анъанаси, шартларини кўздан кечирайлик.

Навоийнинг биринчи шеърлар тўплами унинг ўзи томонидан тузилмаган. Шоир 16-17 ёшларида Хиротнинг машҳур шоири сифатида ном қозонган эди. Адабий давраларда унинг шеърлари фахр билан тилга олинар. уларга куйлар басталаниб, ҳофизлар томонидан мароқ билан ижро қилинар эди. Шундай бўлса-да, шоир камтарлиги боис девон тузишга шошилмайди. Шунда Навоий мухлислари хаттот Султон Али Машҳадий бошчилигида шоир девонини тузадилар. Бу девон Ҳ.Сулаймон томонидан “Илк девон” номи билан аталган. Шоирнинг “Бадое ул-бидоя”, “Наводир ун-ниҳоя” девонлари эса бевосита Ҳусайн Бойқаро даъвати билан юзага келган. Аммо бу девонлар мукаммал девонлар ҳисобланмайди.

1490 йилларга келганда шоирнинг мазкур девонларига кирмаган, турли жанрлардаги шеърлари тўпланиб қолди. Навоий янги девон тузиш истагини устози Жомийга баён этди. Жомий унга *Хисрав Деҳлавийга ўхшатиб* инсон умрининг тўрт фаслига мувофиқ тўрт китобдан иборат девон тузиш маслаҳатини беради.

Навоийнинг “Хазойин ул-маоний” девони 1491-1498 йилларда ана шу тарзда майдонга келди. Бу девонга шоирнинг шу давргача туркий тилда ёзган барча шеърлари жамланган. Девон “Дебоча” қисми билан бошланган. Демак, девон тузишнинг *биринчи шарти* кўринмоқда. Бу қисмнинг ҳажми турли шоирларда турлича бўлиши мумкин. Аммо бу қисмда 3 та анъанавий бобнинг бўлиши шарт ҳисобланган. Биринчи боб “Ҳамд” деб аталиб, у Аллоҳга бағишланган бўлади. Навоий дебочаси шундай фикр билан бошланган: “Шукр ва сипое ул Қодирғаким, чун одам осойишгоҳидин вужуд оройиши огоҳларига жилва берди. Инсонни сойир махлуқотдин нутқ шарафи билан мумтоз қилди” [8.7]. Иккинчи боб “Наът” деб аталиб, у пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо саллоллоҳи алайҳи вассалламга бағишланган. Учинчи боб “Мадҳия” деб аталиб, Навоий бу бобда Султон Ҳусайн Бойқарони мадҳ этган. “Дебоча” қисмида булардан ташқари шоирнинг ҳаёти ва ижодига оид маълумотлар ҳам берилиши мумкин. Навоий ўз асарларини санаётганда бу “Дебоча”ни мустақил асар сифатида “Хутбаи девонин” номи билан зикр этган.

Девон тузишнинг *иккинчи шарти* шуки, унга аввал қасида жанридаги шеърлар киритилади. Бу анъанага, масалан, Саккокий амал қилган: унинг девони 10 та қасида билан бошланиб, сўнг ғазаллар берилган. Алишер Навоий эса, девон тузиш анъаналарига асосан риоя қилгани ҳолда, тўртала девонини ҳам шеъриятнинг етакчи жанри бўлган ғазаллар билан бошлайди ва бу билан анъаналарни янгилайди [9.385].

Девон тузишнинг *учинчи шарти* шуки, қасида ёки ғазаллар алифбо тартибида киритилади. Бунда шеърнинг бошланиш ҳарфи эмас, сўнгги ҳарфи асос қилиб олинади. Навоийнинг “Ғаройиб ус-сиғар” девони:

Ашрақат мин акси шамсил қаси анворул худо
Ёр аксин майда кўр деб жомдин чиқди садо, -

матлаъли ғазал билан бошланган. Шундай қилиб, ғазаллар алиф (ا) ҳарфи билан туговчи шеърлар билан бошланиб, ёй (ى) ҳарфи билан туговчи ғазаллар билан якун топади. Демак, девон тузишнинг *тўртинчи шарти* шоирнинг барча араб ҳарфлари билан туговчи ғазаллари бўлишини тақозо этади.

Ғазаллардан сўнг мумтоз шеъриятдаги бошқа жанрларда битилган шеърлар маълум тартибда берилади. Девоннинг мукаммал бўлиши барча жанрларни қамраб олиши билан ҳам ўлчанади. “Хазойин ул-маоний” девони таркибида лирик турнинг 16 жанри намуналари мавжуддир. Уларнинг тартиби ва сони қуйидагичадир: ғазал – 2600 та, мустазод – 4 та, мухаммас – 10 та, мусаддас – 5 та, мусамман – 1 та, таржиъбанд – 4 та, таркибанд – 1 та, маснавий – 1та, қасида – 1 та, соқийнома – 1 та, қитъа – 210 та, рубоий – 133 та, муаммо – 52 та, чистон – 10 та, туюқ – 13 та, фард – 86 та. Ҳар бир жанрдаги шеър қофияси ёки радифдаги тугалланувчи ҳарфга қараб, қатъий тартиб билан жойлаштирилган.

Навоий қасида жанрида баракали ижод қилса-да, бу девонига битта қасида киритган холос. Шоир қасидаларини алоҳида тўплам қилиш нияти бўлгани учун шундай йўл тутган бўлиши мумкин. Унинг йил фаслларига бағишланган “Фусули арбаъ”, умумий мазмундаги “Ситаи зарурия” номли қасидалар тўпламлари бор.

Девон тузишнинг *бешинчи шарти* шуки, у фард жанри билан тугаши зарур. “Хазойин-ул маоний” девони фард жанри билан якунланган. Мабодо шоирнинг фард жанридаги шеърлари бўлмаса, девон муаммо жанри билан якунланади.

Навоий бу девонида мумтоз адабиёт жанрларини янада бойитди. Навоийгача бўлган шоирлар девонларида жанрлар сони бунга етмайди. Лутфий девонида ғазал, рубоий, туюқ, қитъа жанрларигина берилган. Навоийнинг мукаммал девон тузиш анъанаси Огаҳий ижодида муваффвқиятли давом эттирилган. Унинг “Таъвиз ул-ошиқин” девонида 19 та жанр намунаси учрайди.

Айрим шоирлар фақат ғазаллардан иборат шеърий тўпламларини девон деб номлаганларки, бу билан келишиб бўлмайди. Навоийнинг “Наводир-ун ниҳоя” номли шеърий тўплами, Отоийнинг шеърий тўплами бунга мисол бўла олади.

Навоийнинг “Ҳазойин ул-маоний” девони ҳақида гап кетган илмий адабиётларда бир ғализ фикр учрайди. Бу фикр шундан иборатки, шоирнинг бу девонида туркий тилдаги барча асарлари қамраб олинган дейилади: “Ушбу лирик куллиёт улуғ шоиринг бутун умри мобайнида ёзган эллик минг мисрадан ортиқ қарийб ҳамма ўзбекча шеърларини қамраб олади” [7.48] Шундай фикр Р.Воҳидов ва Н.Эшонқуловларнинг ўқув қўлланмасида ҳам учрайди. Шоирнинг бу девони 1491-1498 йилларда тузилган. Навоий эса, маълумки, 1501 йилгача яшаган. Яъни унинг 3 йил давомида ёзган шеърлари бу девонга кирмаган. Навоийнинг :

Агар хоса маъни гар ийҳом эрур
Онинг бир кунда юз байти холвом эрур,-

деган фикрини ёдга олсак, умрининг охирги куни ҳам ғазал ёзганини эсласак, унинг анча миқдордаги шеърлари бу девонга кирмагани аён бўлади. Шунинг учун “Хазойин-ул маоний” девонига шоирнинг 1498 йилгача ёзган туркийдаги шеърлари жамланган дейиш тўғрироқдир.

Мумтоз адабиёт вакилларининг совет даврида девон номи билан нашр этилган асарлари ўрганилаётганда қуйидагиларга эътибор бериш зарур. Биринчидан, кўпгина шоирлар девонлари бизгача тўлиқ етиб келмаган. Иккинчидан, улар шўро сиёсатига мослаб, “Дебоча” қисмлари тушириб қолдирилиб нашр этилган.

Шўро даврида девон тузиш анъанаси давом этди. Афсуски, шоирлар девон тузиш анъанасини билганлари ҳолда, шўро сиёсатига мослаб иш кўришга мажбур бўлдилар. Шунинг учун уларнинг кўпчилиги девон деб аталса-да, Шарқ адабиётидаги девон тузиш анъаналарига тўла жавоб бермайди. Масалан, Э.Воҳидов арузда ёзган шеърларини жамлаб “Ёшлик девони” номи билан нашр этган. Тўпламда “Дебоча” бўлса-да, юқоридаги сабабга кўра унинг мазмуни бошқачадир. Тўпламда ғазаллар алифбо тартибда берилмаган. Унда ғазал, қасида, мухаммас жанрлари мавжуд. Шунингдек, Ф.Усмон янги шеърий тўпламини “Ҳусн девони” деб атабди. Бу тўпламда аруз ва бармоқ шеър тизимидаги шеърлар аралаш берилган. Девонга хос бўлган анъанавий шартлар бу тўпламда ҳам кузатилмайди. Шу сабабга кўра бу тўпламларни девон деб аташ тўғри эмас.

Айни чоғда, мумтоз шеъриятдаги девон тузиш анъаналарига имкон қадар риоя қилишга интилган шоирларимиз ҳам бор. Жумладан, Улфат домла вафотидан сўнг унинг девони нашр этилди [10]. Девон шўро даврида тузилгани сабаб, унда “Дебоча” қисми мавжуд эмас. Ғазаллар алифбо тартибида берилган. Девонда ғазал, мустазод, маснавий, мурабба, мухаммас, рубоий, туюқ, мушоира, марсия, тарих каби жанрлар берилган. Улфат мумтоз адабиёт билимдони бўлса-да, девонни фард ёки муаммо билан якунламаган. Шунга қарамай, Улфатнинг тўпламини девон дейиш мумкин.

Шоир Хурибой Ёлқин ҳам ўз шеърий тўпламини “Девон” деб нашриётга топширди. Аммо ноширлар бу анъана билан яхши таниш бўлмаганлари сабабли уни “Девон” деб нашр этишга журъат этмадилар. Бу шеърий тўплам “Умрим девони” номи билан нашр этилди. Ҳолбуки, шоир девон тузиш анъаналаридан яхши хабардор бўлиб, бу анъаналарга тўла риоя қилган эди.

Китоб “Дебоча” билан бошланади. Девонга ғазаллар алифбо тартибида киритилган. Ғазалдан сўнг мустазод, қасида, мушоира, маснавий, мухаммас, мусаддас, мураббаъ, қитъа, марсия, рубоий, туюқ, муаммо, фард жанрларидаги шеърлар берилган. Девонда 14 та жанр намунаси учрайди. Навоий девонида 16 та жанр борлигини ёдга олсак, Ёлқин девон тузишда қандай муваффақиятга эришганини тушуниб оламиз. Хулоса шуки, бу тўпламни “Девон” номи билан нашр этиш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

АДАБИЁТЛАР:

1. Тимофеев Л.И., Венгров Н. Краткий словарь литературоведедческих терминов.- М., 1963
2. Тимофеев Л.И., Тураев С.В. Словарь литературоведческих терминов.- М.,1974
3. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. I-жилд.- М., 1981
4. Қуронов Д., Мамажонов З., Шералиева М. Адабиётшунослик луғати.- Т., 2010
5. Ал-қомус ал жадид. -Тунис ва Жазоир, 1985
6. Баранов Х.К.. Арабско-русский словарь.- М.,1962
7. Қосимов Б., Жумаев Н. Ўзбек адабиёти.- Т., 2001
8. Алишер Навоий. Хазойин-ул маоний.- Т., 1959
9. Маллаев Н. Ўзбек адабиёти тарихи.- Т., 1965
10. Улфат. Девон.- Т., 2008

Андижон давлат университети
2010 йил 25 октябрда қабул қилинган
(Тақризчи: ф.ф.д. Д.Қуронов)